

МАЪРУЗА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА  
ЁНФИН ХАВФСИЗЛИГИ  
АСОСЛАРИ

## **РЕЖА:**

- 1. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари. Ёнғин фожеалари.**
- 2. Ёнишнинг турлари.**
- 3. Ишлаб чиқариш бинолари ва қурилиш материаларининг ёнғин хавфига бардошлиги, турлари ва хусусиятлари.**
- 4. Ёнғинни ўчирувчи моддалар, турлари ва хусусиятлари.**
- 5. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимлари.**
- 6. Ёнғинни ўчирувчи воситалар, турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.**
- 7. Ёнғинга қарши сув таъминоти.**

# ЁНГИН нима?

Бошқаруудан, назорат  
остидан ва маҳсус  
ажратилган зонадан чиқиб  
кетган ва жуда катта моддий  
ва бошқа турдағи зарар  
етказувчи ёниш жараёни  
ЁНГИН деб аталади.

# Умумий ҳолатда иқтисодиёт объектларида ёнғин содир бўлишининг асосий сабаблари қуидагилардан иборат:

- Электр ускуналарининг бузилиши ёки нотўғри ишлатилиши натижасида ўртacha 31 % ёнғин келиб чиқади;
- Олов билан эҳтиёткор муомала қиласлик оқибатида ўртacha 21 % ёнғин келиб чиқади;
- Печкали иситиш тизимларининг нотўғри ишлатилиши натижасида ўртacha 15 % ёнғин келиб чиқади;
- Технологик ускуналарнинг бузилиши ёки нотўғри ишлатилиши сабабли ўртacha 10 % ёнғин келиб чиқади.

- Ёнғиннинг асосий қисми – 79 % яшаш секторида юз берган.
- Қишлоқ жойларга: умумий ёнғиннинг ўртача 56 %, кўрилган моддий заарнинг эса ўртача 62 % тўғри келган.

# ЁНГИН НАТИЖАСИДА ҚУЙИДАГИ ХАВФЛИ ОМИЛЛАР ПАЙДО БҮЛАДИ:

- очиқ аланга ва учқунлар;
- ҳаво ва жисмлардаги юқори температура;
- ёниш натижасида пайдо бўлган ўткир заҳарли ва зарарли газлар ва моддалар,
- тутун;
- кислород концентрациясининг пасайиши,
- бино ва иншоотларнинг қулаши ва зарарланиши,
- электр токи ва бошқа иккиламчи зарар етказувчи омиллар.

# Ёниш нима?

Ёниш деб – катта миқдорда  
иссиқлик ва ёруғлик ажралиб  
чиқиши билан кечадиган  
ёнувчи модда ва  
оксидловчининг ўзаро  
мураккаб физик – кимёвий  
тасирига айтилади.

# Ёнишнинг юзага келиш учун зарур шарт – шароитлар

## ЁНИШ "УЧБУРЧАГИ"

### Кислород манбаси


Ёниш жараёни бўлиши учун кислороднинг ҳаводаги миқдори 16 % кам бўлнаслиги керак

O<sub>2</sub> ҳаводаги меъёри - 21 %

Таркибида етарли даражада кислород бўлган моддалар ёнишини таъминлаб туради

### Ёндириш манбаси

Ўз-ўзидан алангаланиш тэмператураси  
Очиқ аланга  
Кизиган юзалар  
Кимёвий реакция  
Ишқаланиш учқунлари  
Электр учқунлари  
Газларни сиқиш ва бошка



### Газлар

Табиий газ  
Пропан  
Бутан  
Водород  
Ацителен  
ва бошка

### Суюкликлар

Бензин  
Керосин  
Алкоголь  
Мой  
Краскалар  
Локлар  
Алиф  
ва бошка

### Қаттиқ моддалар

Қаттиқ, чангсимон, майдадисперсли:  
Кўмир  
Ёғоч  
Қоғоз  
Газлама  
Мойлаш  
материаллари  
Пўрак ва бошка

Тери  
Пластик  
Шакар  
Дон  
Сомон

# Ёнишнинг турлари.

- чакнаш,
- алангаланиш,
- ўз-ўзидан алангаланиш,
- ўз-ўзидан ёниш.
- портлаш.

# 1. Чакнаш.

- **Чакнаш.** Чакнаш қаттиқ ва суюқ моддаларнинг тепасида ҳосил бўладиган буғ фазасининг ёндирувчи манба таъсирида тез ёниб тугаш жараёнидир.
- Чакнаш **чакнаш температураси** билан характерланади.
- Ёнувчи модданинг тепасида ёндирувчи манба таъсири остида чақнаб кетадиган буғ ва газлар ҳосил қилувчи шу модданинг энг кичик температурасига - **чакнаш температураси** дейилади.

## 2. Алангаланиш.

- Ташқи ёндирувчи манбанинг, масалан, очик аланга ёки учқуннинг маҳаллий таъсири остида ёнувчи модданинг аланга чиқариб турғун ёниши бошланишига **алангаланиш** деб айтилади. Ёниш жараёни буғ ҳосил бўлиш жараёни тўхтамагунча, ёндирувчи манба олинганда ҳам, тўхтовсиз давом этади.
- Алангаланиш **алангаланиш температураси** билан характерланади.
- Алангаланиш температураси чақнаш температурасидан:
  - ЕАС лар учун 2...5 °C,
  - ЁС лар учун 5...30 °C га катта.

### **3. Ўз-ўзидан алангаланиш.**

- Бунда ёнувчи модда олдин ташқи иссиқлик манбайдан (очик алангасиз) исийди, маълум бир температурадан бошлаб ўзини-ўзи иситишга ўтади ва кейин эса ёниш жараёни бошланади.
- Ўз-ўзидан алангаланиш **ўз-ўзидан алангаланиш температураси** билан характерланади.
- Ўз-ўзидан алангаланиш температураси моддадаги экзотермик реакциянинг бирдан тезлашиб кетишини таъминлайдиган энг кичик температурадир.

## 4. Ўз-ўзидан ёниш.

- Ўз-ўзидан ёниш - ёнувчи моддадаги экзотермик реакция туфайли ҳосил бўладиган иссиқлик натижасида модданинг исиши ва **ўз-ўзидан ёниб кетишидир**.
- Экзотермик реакция моддадаги физик-кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида пайдо бўлади.

## 5. Портлаш.

- Портлаш - ёнувчи модданинг жуда катта босим ва энергия ҳосил қилиб жуда қисқа вақт давомида ёниш жараёнидир.

Қурилиш материаллари ва моддалар  
ёнишга бўлган хусусиятлари бўйича  
3 та грухга бўлинадилар:

- Ёнмайдиганлар;
- Қийин ёнадиганлар;
- Ёнадиганлар.

# Оловга чидамлилик

- Бино ва ишоотларнинг конструктив элементлари ёнғин вақтида ўзларининг кўтариб турувчанлик, тўсиб турувчанлик ва бошқа хусусиятларини сақлаб туриши **оловга чидамлилик** деб айтилади.
- Конструктив элементларнинг “оловга чидамлилиги чегараси” деган катталик мавжуд бўлиб, у соатда ўлчанади.

# **Сув ва қишлоқ хұжалигидаги бино ва иншоотлар конструктив элементларининг ёнувчанлик ва оловга чидамлиликтегараси бүйича 5 та даражага бўлинган:**

- I – даражада. Бу даражага кирувчи бино ва иншоотларнинг ҳамма конструктив элементлари ёнмайдиган ва жуда катта оловга чидамлиликтегарасига (**0,5...2,5 соат**) эга материаллардан қилинган бўлади.
- II – даражада. Бу даражага кирувчи бино ва иншоотларнинг ҳамма конструктив элементлари ёнмайдиган, лекин оловга чидамлиликтегарасига кичикроқ (**0,25...2,0 соат**) бўлган материаллардан қилинган бўлади.
- III – даражада. Бу даражага кирувчи бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ёнмайдиган ва қийин ёнадиган материаллардан қилинган бўлади.
- IV – даражада. Бу даражага кирувчи бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари қийин ёнадиган материаллардан қилинган бўлади.
- V – даражада. Бу даражага кирувчи бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ёнадиган материаллардан қилинган бўлади.

# **Ёнғинни үчириш усуллари.**

- Ёниш үчоғига оксидловчи кириб боришини (концентрациясини) пасайтириш ёки умуман түсиш;
- Ёниш үчоғининг температурасини ўз-ўзидан алангаланиш температурасидан ёки ёнувчи модда температурасини алангаланиш температурасидан паст даражага тушириш;
- Ёниш үчоғига ёнувчи модда кириб боришини камайтириш ёки умуман бартараф этиш;
- Ёнувчи моддаларни ёнмайдиган моддалар билан аралаштириш;
- Ёниш жараёнидаги кимиёвий реакциялар тезлигини жадал сусайтириш;
- Алангани механик таъсир (кучли сув ёки газ оқими) билан йўқотиш .

# **Ёнғинни үчирувчи моддалар ёнғинни үчириш хусусиятлари бўйича қуидаги гуруҳланадилар:**

- **совутувчилар** (сув, хлор тўрт углероди ва бошқалар киради);
- **кислород йўлини тўсувшилар** (кўпиклар, порошоклар ва бошқалар);
- **кислород концентрациясини  
пасайтирувчилар** (сув, сув буғи, карбонат ангидриид ва бошқалар);
- **ёниш жараёнига кимиёвий таъсир  
қилиб сусайтирувчилар** (галоид углеводородлардан бром этил, метил ва бошқалар).

## Ёнғинни ўчирувчи моддалар агрегат ҳолати бўйича қуийидагича гурухланадилар:

- **газсимонлар** (азот, карбонат ангидирид, инерт газлар, сув буғи ва бошқалар);
- **суюқ ҳолатдагилар** (сув, хлор тўрт углероди, бром этил);
- **қаттиқ ёки порошоксимонлар** (кальций сода, флюслар, қурук қум ва тупроқ)
- **аралаш ҳолдагилар** (суюқлик билан газсимон-кўпиклар, қаттиқ моддалар билан карбонат ангидирид гази, ёки порошоксимон моддалар билан ҳаво аралашмаси).

# **Ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тизимлари.**

**D.St. 12.1.004-85 асосан объектнинг  
ёнғин хавфсизлиги:**

- **ёнғиннинг олдини олиш тизими,**
- **ёнғинга қарши муҳофаза тизими,**
- **ташқилий – техник тадбирлар тизими** билан таъминланади.

# **ЁНФИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИ**

- Ишлаб чиқариш обьектида ёнғин чиқишига йўл қўймайдиган техник восита ва ташкилий чора – тадбирлар киради.
- Бу тизим ишлаб чиқариш обьектида ёнувчи тизим ва ёндирувчи манба пайдо бўлмаслигини, ёнувчи тизим температураси ва босимини ёнишга олиб келадиган энг юқори даражадан паст ҳолда ушлаб туришни, ишлагандаги ёндирувчи манба ҳосил қилмайдиган асбоб ускуналар қўллашни, моддаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетишига олиб келадиган шарт – шароитларни бартараф қилишни, яшин қайтаргичларни қуришни, статик электрланишни бартараф қилувчи воситаларни қўллашни ва бошқа ҳар хил чора – тадбирларни кўзда тутади.


# Ёнғинга қарши мұхофаза тизими

- Инсонларни, моддий бойликлар ва ҳайвонларни ёнғин вақтида ёнғиннинг хавфли омилларидан ҳимоя қилувчи техник воситалар ва ташкилий чоратадбирлар киради.
- Бунга ёнғинни үчиришнинг турли воситалари ва техникаларини құллаш, уларнинг зарур ва етарли миқдорини таъминлаш, гурухий ва шахсий ҳимоя воситаларини ишлатиш, ёнғиндан хабар берувчи ва уни үчирувчи автоматик ускуналарни құллаш, конструктив элементларга оловга қарши қоплама, аралашма ва бүёқлар билан ишлов бериш, объектларни қуышда ёнмайдиган ва қийин ёнадиган материал ва моддаларни кенг құллаш, ёнадиган моддалар ҳажмини камайтириш, ёнувчи мұхитни түсиш ва ёнғин тарқалишининг олдини олувчи воситаларни құллаш, эвакуация йўлларини қуыш ва уни техник таъминлаш ва бошқа ишлар билан амалга оширилади.

# **Ташкилий – техник тадбирлар тизими**

- ёнғиндан сақлаш хизматини ташкил қилиш; уни техник таъминлаш; ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш; ёнғин чиқиш хавфи катта обьектларга тезкор ва профилактик хизмат кўрсатишни ташкил қилиш; модда ва материалларнинг, технологик жараёнларнинг паспортизациясини ўтказиш; жавобгар шахсларни ўқитиш ва йўриқномалардан ўтказиш; аҳолини ўқитиш, ташвиқот ишларини олиб бориш; кўнгилли ёнғинни ўчириш дружиналарини ва жамоат инспекторларини тайёрлаш ва бошқа ишлар киради.

# ҮТ ЎЧИРГИЧЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ



Үт ўчиргичдаги ҳарфлар уни қанақа ёқилғи синфидаги моддалар ёнишини ўчиришда күллаш катта самара беришилигини күрсатади



оддий ёнувчи моддалар



ёнувчи суюкликлар



электр ускуналари



ёнувчи металлар

## СОНЛАР

- А ва В синфидаги үт ўчиргичлардагина ҳарфлар билан биргаликда күлланилади.
- үт ўчиргичларнинг нисбий санарадорлигини күрсатади.

2-А синфидаги үт ўчиргич 1-А синфидагига нисбатан 2 нарта санарадор.

20-В синфидаги үт ўчиргич 1-В синфидагига нисбатан 20 нарта санарадор.



Бу белгили үт ўчиргичлар В ва С синфидаги ёнғинларни ўчиришда күлланилади. А синфга кирувчи ёнғинларда эса күлланилмайды




Бу белгили үт ўчиргичлар А синфга кирувчи ёнғинларни ўчиришда күлланилади. В ва С синфга кирувчи ёнғинларда эса күлланилмайды





Бу белгили үт ўчиргичлар А ва В синфидаги ёнғинларни ўчиришда күлланилади. Электр ускуналаридаги ёнғинни ўчиришда эса күлланилмайды

# Сувли ёнғинни үчириш автоматик қурилмаси схемаси.



## ➤ Сув соғиҹлар:

- а- ОВС сплинкери; б- ОВД дренчери; 1-тикилма, 2,4-ричаглар,
  - 3-енгил эрувчи кулф, 5-разетка, 6-клапан



# Ёнғинга қарши сув таъминоти.

- Ёнғинга қарши сув таъминоти билан бутун ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолиси 50 киши бўлган аҳоли пунктлари таъминланиши лозим. Сув манбалари табиий (ҳовузлар, ариқлар, дарёлар ва бошқа) ва сунъий бўлиши мумкин.
- Битта ташқи ёнғинни ўчиришга сув сарфи ишлаб чиқариш категорияси, бино ва иншоотларнинг оловга чидамлилик даражаси ва бино ҳажмига боғлиқ равишда меъёрланган.

$$Q_{\dot{e}y} = 3,6gT_{\dot{e}}n_{\dot{e}}$$

Ташқи ва ички ёнғинни үчиришга сув сарфи ( $\text{м}^3/\text{соат}$ ) қуидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$Q_y = 3,6gT_{\dot{e}}n_{\dot{e}}$$

$T_{\dot{e}}$

- бу ерда:  $g$  -ташқи ва ички ёнғин үчиришга солиштирма сув сарфи (юқоридаги жадвалдан олинади);
- $T_{\dot{e}}$ -ёнғиннинг давом эти вақти, 3 соатга тенг деб олинади, ёки маҳсус формулалардан аниқланади;
- $n_{\dot{e}}$  бир вақтда содир бўлувчи ёнғинларнинг сони, 1...3 тенг деб олинади.


# Ховуздаги сув ҳажми захираси, м<sup>3</sup>:

$$W_e = Q_e \Sigma Q_T + 0,5 Q_X$$


бу ерда:



- технологик мақсадларга сув сарфи, м<sup>3</sup>/соат;



- хўжалик мақсадларига сув сарфи, м<sup>3</sup>/соат.



-расм. Марказий Осиё районлари учун доира шаклидаги ҳовуз.  
1-ҳовуз түсіци, 2-түсікнинг очиладиган панжараси,  
3- сув көлтирувчы ариқ, 4- сув оқиб кетувчы ариқ

# Эътиборларингиз учун раҳмат

